



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (12.608)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Хабар қилинганидек, «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

МЕҲР-МУҲАББАТ, ГЎЗАЛЛИК, ФИДОЙИЛИК РАМЗИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тарраққиети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга ошириладиган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан бўлиб ўтаётган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 7 март кунини Тошкентдаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Пойтахтимиздаги иборатли маҳаллалар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари фаолияти мисолида оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, қизлар саломатлиги ҳақидаги ғамхўрликнинг самаралари билан танишди.

Шу кунини «Туркистон» саройида ушбу сана муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, маданий-маърифий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари

лари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш, уларга замонавий касб-хунар сирларини ўргатиш, Ватанимиз обрўси ва нуфузини тобора юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида хотин-қизларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратиладиганини таъкидлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг ташкил этилиши хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш,

оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби эзгу йўналишлардаги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, фаолияти хотин-қизларга оид жамоат тузилмалари ишини доимий мувофиқлаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Она ва бола скрининги, перинатал марказлари, ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар, замонавий қишлоқ врачлик пунктлари хотин-қизлар саломатлигига ғамхўрликни янада кучайтириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, бадиий гимнастика, синхрон сузиш каби спортнинг нафис турлари жадал ривожланиб, жаҳон андозалари даражасидаги мактаблар, спорт-соғломлаштириш мажмуаларининг барпо этиладигани чекка ҳудудларда ҳам қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)

2014 йил – Соғлом бола йили

СОҒЛОМ АЁЛ – МАМЛАКАТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Соғлом фарзанд нафақат оиланинг, балки бутун жамиятнинг бойлиги. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш, саломатлигини муҳофазалаш, улар учун муносиб меҳнат, турмуш шароити яратишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдир.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда мамлакатимизда 92 фоиз болалар ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади.

ЎЗА муҳбирининг Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Маҳмуда КАТТАХЎЖАЕВА билан суҳбати она ва бола манфаатларини муҳофазалаш, аёлларга замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш борасида амалга ошириладиган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар хусусида бўлди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш жараёнида оналар ва болаларга сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий тиббий ёрдамдан ҳар бир инсоннинг баҳрамандлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди М.Каттахўжаева. — Шу мақсадда жойларда уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти барпо этилди. Шошилиш тиббий ёрдам ва ихтисослашган тиббий-илмий марказлар фаолияти кенг йўлга қўйилди. Она-бола скрининг хизмати ва перинатал тиббиёт муассасалари тармоғи изчил ривожланаётгани соғлом болалар туғилиши кўрсаткичларининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Репродуктив саломатлик тушунчасига изоҳ бериб ўтсангиз. Оналик ва болаликни асрашда бу соҳанинг ўрни нимадан иборат?

Репродуктив саломатлик деганда инсоннинг соғлом насл қолдириши билан боғлиқ фаолияти тушунилади. Бу жараён инсон дунёга келишидан олдин бошланади. Шунинг билан она-болаларимиз ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Бу масала бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш ва уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда бизнинг марказимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунда Республика аҳоли репродуктив саломатлик марказининг жойларда ўн тўртта филиали фаолият кўрсатмоқда. 2013 йилдан улар юридик ташкилот мақомига эга бўлди. Ҳозир ушбу тизимда икки юз ўттиз нафардан зиёд тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар худудий ярмаркаси ўтказилди. Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтларида тайёрланган икки юздан ортиқ инновацион ишланмалар намойиш этилди.

● Андижон вилоятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган саломатлик ҳафталиги уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказиладиган мазкур ҳафталик доирасида ҳозиргача 9 минг нафарга яқин аёл, ўсмир ёшлар, нурунийлар, ногиронлар уйи тарбияланувчилари ва вилоят сил касалликлари диспансери ҳисобида турувчи беморлар тиббий кўрикдан ўтказилди.

● Наманган шаҳрида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. «Хунарманд» уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда вилоят давлат солиқ, божхона, адлия бошқармалари, соҳа мутахассислари, хунармандчилик йўналишида фаолият юритаётган хусусий ва оилавий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманида интенсив боғ барпо этиш ва мавжуд боғларни парваришлаш агротехникасига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

● Малайзиянинг Malaysia Airlines авиакомпанияси бортида 239 нафар йўловчи бўлган, Хитойнинг Пекин шаҳрига парвоз қилаётган самолёт билан алоқани йўқотди. Ушбу самолётнинг ҳалокатга учраётганлиги тахмин қилинаётган бўлсада, Жанубий Хитой денгизида қуюқ ёнилғи тўқилган жойни текшириб, йўқолган Boeing -777-200 русумли самолётни излаган Вьетнамнинг ҳарбий кемалари ва самолётлари авиалайнер парчаларини топмадилар.

● Италия ҳукумати оламга машҳур тарихий Помпея мажмуасини тиклаш учун икки миллион евро миқдорда маблағ ажратилишини маълум қилди. Ушбу маблағ зудлик билан таъмирланиши лозим бўлган қиринмаларни тиклашга йўналтирилади.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилати Хавфсизлик Кенгаши барча мамлакатларни ҳарбий можароларда болалардан фойдаланишни ман этишга чақирди. БМТ томонидан қабул қилинган резолюцияда таъкидланишича, бундай ҳолат ҳарбий жиноят сифатида кўриб чиқилади.

● Япония полицияси Мексикадан юборилган мрамор плиталари орасига 500 килограммга яқин кокаин ва бошқа кучли гиёҳванд моддалар яширилганлигини аниқлади. Бу Япония божхона хизмати тарихида қўлга олинган кокаиннинг энг йирик туркумидир.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-изланувчилар, талабалар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга ошириладиган изчил ислохотлар ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим беришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқаришда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим босқичлари ўртасида интеграция

Тошкент давлат иқтисодий университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида таълим тизимини ривожлантиришда таълим босқичлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

жараёнлари чуқурлаштирилиб, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланаётгани тизимда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрталари моддий-техник базасининг йилдан йилга такомиллаштириладигани ёшларнинг ахборот манбаидан тезкор фойдаланиши ва замон билан бирга қадам

ташлашида кенг имкониятлар яратаётди.

Тадбирда бугунги тезкор даврда навқирон авлодга замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб сабоқ бера оладиган билимли мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Б.МЕЛИКУЛОВА, ЎЗА муҳбири

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманида Президент соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус

2014» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Саховат спорт сервис» АЖ сув ҳавзаси ва Тошкент Ахборот технологиялари университетида «Нафосат ола-

ми» шиори остида «Соғлом авлод учун» кубоги учун ўқувчи-ёшлар ўртасида III спорт фестивали баҳслари ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги кўзи ожизлар мактаб-интер-

натидида туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази билан ҳамкорликда «Ассалом, Наврўзи олам!» деб номланган адабий кеча ва концерт дастури ташкил этилади.

МЕҲР-МУҲАББАТ, ГЎЗАЛЛИК, ФИДОЙИЛИК РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бир қатор ихтимой дастурлар самарасида аёлларни иш билан таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2013 йилда хотин-қизлар учун 466 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айниқса, касб-хўна қоллежлари битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, ўз бизнесини бошлаш истагидида хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар учун имтиёзли кредитлар ажратишга катта аҳамият берилди.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Машиий хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, миллий ва замонавий либослар ательелари қуриб, фойдаланишга топширилётгани хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига имкон яратмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли хотин-қизларнинг маҳаллалар фаолиятидаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари тизимида меҳнат қилаётган аёллар кўпчилигини ташкил этаётгани, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида элда обрў топган аёлларнинг фаолият олиб бораётгани қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, тўйларни ихчам тарзда ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Хотин-қизларни қадрлаш, доимий эътибор ва ғамхўрликни қўлдан қўлдан турмушда, меҳнат фаолиятида, фарзандларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда ҳис этмоқдамиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Элиқалъа тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Гулшумор Айтбоева. — Давлатимиз раҳбари томонидан Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, қизлар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар қўламини ортмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 3 мартда қабул қилган Қарорига мувофиқ бу йил 16 қизга Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилди. Бу истеъдодли қизларни рағбатлантириш борасидаги ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин намунаси. Тадбирда мазкур мукофотлар топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Айжамал Жолдасбаева, Қарши давлат университетининг 4-босқич талабаси Мафтун Нодирова, Навоий вилояти Зарафшон компьютер технологиялари коллежи 1-босқич ўқувчиси Зария Қосимова истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислам Каримовга самимий миннатдорлик билдириди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собирова, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Эдаоқат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



ЖАМИЯТНИНГ ГЎЛТОЖИ АЁЛ

Табият гўзаллигини кўкларимиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ҳаётимиз файзу тароватини ҳам аёлларимиз тасаввур қилолмаймиз. Халқаро хотин-қизлар куни байрами баҳорнинг илк кунларига тўғри келишида ҳам рамзий маъно бор. Ана шу байрам муносабати билан Ички ишлар вазирлиги маданият саройида тадбир ташкил этилди.

Байрам тадбирида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-майор А.Аҳмедбаев ва бошқалар бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам минглаб ола-сингиларимиз самарали хизмат қилиб, эл-юрт осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлаб ўтдилар ва барча аёлларни байрам билан табриклади.

Аёлларни қадрлаш, эъзозлаш аждодларимиздан мерос қолган азалий қадриятлардан ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатимизда аёлларга бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузи ошди, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилган.

Ички ишлар идораларининг жиноят-қидирув, тергов, эксперт-криминалистика, ахборот маркази, тиббиёт, қоровул кўшнлари, молия-иқтисод йўналишларида ва вазирликнинг таълим муассасаларида эркаклар билан бир қаторда аёлларимиз ҳам елкама-елка туриб, юксак мотат билан хизмат қилишадиганини фахр билан айтиш мумкин.

— Соҳада 2001 йилдан буён фаолият олиб бораман, — дейди подполковник Гулбахор Амридинова. — Вазирлигимиз тизимида эркаклар билан бирга қўллаб-қувватлаш хизмат қилиб келади. Байрам муносабати билан раҳбариятимиз томонидан тадбир ташкил этилиб, аёлларнинг тақдирини таъминлашга жамиятимизда хотин-қизларга бўлган катта эътиборнинг бир кўриниши дейиш мумкин. Фурсатдан фойдаланиб Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ва бутун мамлакатимиздаги барча хотин-қизларни байрам билан муборакбод этаман.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ва тизимларида хизмат қилаётган 400 нафарга яқин хотин-қизлар рағбатлантирилди.

Тадбирда Ички ишлар вазирлиги ансамбли жамоаси ҳамда маданият саройи баддий ҳаваскорлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислам Исмомов олган сурат

Маълумки, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг гўя муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимининг босқич-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқсун, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатагон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турайдиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқдоси ва қўламини кўра улкан ишлар олиб боришмоқда. Суд соҳасига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизим яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвия этиш бўйича олий маляка комиссияси муҳим роль ўйнади.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг таъриби ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидида ишларнинг танқидий таҳлили шундан далolat берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминлашдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтиришдан туриб мамлакатни сийсий ҳамада иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиш бўлмайди.

Айни шу вазифаларни ҳал қилишнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2014 йил 21 январда матбуотда эълон қилинди.

Мазкур Қонун 26 моддадан иборат бўлиб, унинг 6 та моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодекслари, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунларга, «Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида Низом»га тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда 2010 йилнинг 12 ноябрда қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юриштиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақоми муҳофаза қилиш зарур ҳуқуқий ва социал қафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармонлари давлат бошлигининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг қафили сифатидаги ваколатини амалга оширишдан, бу эса ўз навбати-

да суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғамхўрлик қилишни тақозо этишидан келиб чиқади.

Шунингдек, ушбу ҳуқуқий ислоҳотлар 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 30 августда маъқулланган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари»нинг 10-11-моддалари талабларига мос келади.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратишга, суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган.

Унга кўра, биринчидан, судьяликка минимал ёш 25 ёшдан 30 ёшга ўзгартирилди. Иккинчидан, олий юридик

қабул қилиш ҳам кишидан муайян таърибани, ҳаётий кўникмаларни тақозо этиши сир эмас, албатта.

Тўртинчидан, судьяларнинг ижтимоий муҳофазасига оид нормалар белгилашга унга қураётдиларга хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғидан озод этилиши, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинлашишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилиши, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши, ваколатлари муддати тугаган судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари қўйиб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жойлаштирилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолиниши белгилаб қўйилди.

Агар биргина ваколатлари тугаганидан кейин судьялик лавозимига сайланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилиши, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилишига оид қафолатга тўхталиб ўтадиган бўлса, бу Конституцияимизнинг 37-моддасида мустаҳкамланган ҳар бир шахснинг қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши ифодасидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўрилмайдиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган ҳамда фаолият қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган, мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунадиган, қабул қилган ҳужжатлари барча давлат органлари, жамият бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурий бўлган судьяларнинг обрўси, уларнинг нуфузи давлатнинг обрўси ва нуфузидир. Шунинг учун мазкур касб эгаларининг иш ҳақи муносиб даражада бўлиб, фаолиятининг ижтимоий қафолатлари, таъминоти, молиявий манбалари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур қўшимчалар ҳам ўта муҳим аҳамият касб этиб, ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлиши суд ҳокимиятининг давлат ва жамиятдаги обрўсини янада кўтаришга, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, судьялар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилади. Чўнки, судьяларнинг ижтимоий ҳаётдан муносиб ҳимоя қилиш ҳуқуқий давлатнинг асосий шартларидан бири бўлган одил судловни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қўшимчаларнинг ўта муҳим аҳамияти шундаки, бугунги шароитда фақат малакали, пухта тайёрликка эга бўлган, ҳар томонлама ижтимоий ҳимояланган судьяларга мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омили, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам таяничи ва ишончли қафолати бўла олади. Судьяларнинг ижтимоий муҳофазасига хизмат қилувчи мазкур ислоҳотлар шунингдек, судьялик лавозимига муносиб номзодларни келиши, судья лавозимига жамиятда бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтиришга олиб келади.

Мирвазл МИРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти
бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

СОҒЛОМ АЁЛ — МАМЛАКАТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиздаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига репродуктив саломатлиқни асраш бўйича кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдами тақомиллаштириш, бу борада янги усулларни кенг тарғиб этиш, репродуктив саломатликка салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини амалга ошириш марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2011-2013 йилларда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш соҳасининг бирламчи бўғинида ишлаётган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, бу соҳада жаҳон тиббиёти эришаётган ютуқларни кенг омаллаштириш бўйича юздан зиёд ўқув-семинари ташкил этилди. Уларда иштирок этишга икки ярим минг нафардан ортиқ умумий амалиёт врачлари ва мутахассислар жалб қилинди.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда йигит-қизларнинг тиббий маданиятини шакллантириш муҳим омилдир. Бу йўналишда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги лицей ва коллежларда профилактик тиббий кўрик ва тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида бу борадаги ишларни такомиллаштириш мақсадида эрта турмушнинг салбий оқибатлари, репродуктив саломатлиқни асраш, ўсимирлар гигиенаси, юқумли касалликлардан ҳимояланиш, мустаҳкам оила барпо этишнинг тиббий асосларига бағишланган буклетлар чоп этилиб, тарқатилди. Оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлар қилинмоқда.

Репродуктив саломатлиқни асрашнинг муҳим йўналишларидан бири исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда оилаларга кўмаклашидир.

Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази ўқув-услубий ва тарғибот ишлари билан бир қаторда аҳолига замонавий тиббий ёрдам кўрсатади. Марказимиз биноси 2013 йили тубдан реконструкция қилинган туфайли аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга эришмоқдамиз. Ҳозир марказимизда замонавий ультратовуш ташхис аппаратлари, аёлларда учрайдиган сарватан касаллигининг олдини олишда қўлланиладиган колпоскоп ва бошқа тиббий технологиялардан фойдаланишга асосланган самарали фойдаланилмоқда.

— Мамлакатимизда ҳомиладор аёлларни поливитамином билан таъминлаш амалиёти жорий этилган. Бу ишлар қандай самара бермоқда?

— Қишлоқ жойларда яшовчи бўлажак оналар ана шундай шифобахш тиббий препаратлар билан таъминланмоқда. Бунинг натижасида аёлларда экстрагенитал касалликлар кўрсаткичи ҳамда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Аёлларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи узади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган бундай натижалар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилаётгани барчамизни қувонтиради. Хусусан, репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтқубўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тасвия этилди.

Ана шундай ўзига хос уютуқлар билан бирга, ҳали бу борада ўз ечимини қутаётган талай вазифалар ҳам мавжуд. Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ, баъзи оилаларда рўзгор бошлиқларнинг бўлажак она саломатлигига етарли эътибор бермаслиги, аёл учун зарур шароит яратилмаслиги она ва дунёга келажак бола саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришмоқдамиз. Ушбу тадбирларда мамлакатимизда тиббий-профилактик соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли оналик ва болалиқни асрашда эришилаётган натижаларни батафсил таҳлил этиб бераётимиз.

Замонавий шароитлардан оқилона фойдаланмаслик, ўзи ва зурриёди тақдирига бепарқлик ёш оналар орасида ҳам узраб туради. Баъзи ёш оналар давлат томонидан бепул берилаётган поливитаминомларни ўз вақтида тўлиқ қабул қилишга ҳафсала қилмайди. Шу боис Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла фаоллари иштирокида аҳоли орасида тиббий маданиятини ошириш ишларини узулсиз ташкил этишга доимий эътибор қаратмоқдамиз. Бундан қўзланган асосий мақсад аёллар саломатлигига салбий таъсир этаётган омилларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг Соғлом бола йили, деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Айни пайтда марказимиз ва унинг жойлардаги филиалларида «Соғлом бола йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилашиб, тизимли асосда иш олиб боришмоқда. Бу жараёнда аҳолига репродуктив саломатлик масалалари бўйича малакали тиббий ёрдам ва маслаҳатларни ташкил этиш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, аёлини қадрлаш, оғир ишлардан ҳалос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш бутун жамиятимизнинг бурчидир. Аёл соғлом бўлса, оила мустаҳкам бўлади, мустаҳкам оила эса мамлакат барқарорлигининг муҳим қафолатидир.

Баҳор ХИДИРОВА
сўхбатлашди



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида умргузаронлик қилаётган Мушарраф Аббосова бу йил 96 баҳорни қаршилади. Ҳар кун бири ишга, бири ўқишга шошилаётган фарзандларига оқ йўл тилаб, шундай тинч, фаровон кунларга етказганига шукроналар айтади.

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

МУШАРРАФ АЯНИНГ ШУКРОНАСИ

– Истиклол туфайли шаҳару қишлоқларимиз кундан-кун чирой очмоқда, – дейди Мушарраф ая. – Юртимиздаги ободлиги кўркамлик қалбларимизни янада гўзаллаштирмоқда. Фарзандларимиз соғлом унинг ўсаяпти, интилангани бири икки бўлаётир. Шундай кунларга етказганига шукр. Фароғатли замонда яшаб, хотиржам ҳаёт кечиришдан катта бахт борми? Буларнинг бари бош-қош бўлаётган Юртбошимизнинг умрлари узок бўлсин!

Мушарраф ая умрининг ярмидан кўпрогини дарахт ва гул ниҳоллари етиштириб, пойтахтимизни обод этишга сарфлаган. Ҳозир неварачеваралари, маҳалладошлари ардоғида. Фарзандлари билан бирига пиру бадавлат яшаётган онахоннинг дуосини олиш маҳалла ёшлари учун анъанага айланган.

Онахон бўш вақтларида неварачевараларини ёнига чорлаб, ибратли ҳикоятлар айтиб беради. Халқимиз эришяётган ютуқларни ҳаётий мисоллар билан тушунтиради, бугунгидек тинч, фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

– Ҳар йили Наврўз арафасида ховлимизда дошқозон осиб, маҳалла аҳли билан сумалак пиширамиз, – дейди онахоннинг неварачеварали Фариди Саидхмедова. Ушбу қутлуг айёмда қалблар меҳр-муруватга, эзгуликка тўлади. Қариндош-уруғ, маҳалладошлар аямизни йўқлаб келади.

Галга қулоқ солиб ўтирган 9 ёшли Дилмурод: «Катта ойи, нега бувим, оймилар

сумалак пиширганда доим йиғлайсиз?», – дея аяни саволга тутди. Онахон ёш боладай кулади: «Бир замонлар сумалак пишириш тақиқланган, угра олиш қилиш учун уйимизда бир чакса ун тоғилмаган кунларни кўрдик. Ҳозир-чи, дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Шундай замонларга етказганига шукрона қиламан-да, болам. Бу севинч, қувонч, шукроналик ёшлари...»

Мушарраф ая ҳар йили баҳорда райхон, жамбил экади. Бу ёшлиқдан қолган одати. Ёшларга тарих фанидан сабоқ берган, ҳозир етмишни қоралаб қолган ўғли билан набираю чевараларига дарахт ва гул экиннинг савобли юмушлигини таъкидлашдан толмайди.

– Бувижоним уй-рўзгорга қарашни, овқат пиширишни ўргатган, – дейди аянинг набираси Нозима Саидалихўжаева. – Ширин-цирин таомлар пишириб берганимда қайнонам ҳаммиса бувижонимни алқайди. Ўғитларига қулоқ солиб, кам бўлганимиз йўқ.

...Йўқловимиздан кўнгли қувончга тўлган онахон дадил қадамлар билан бизни остонага қадар кузатиб чиқар экан, дуога қўл очди:

– Яратган умримизни узок, ризку насибамизни зиёда қилсин! Ҳар бир хонадонда, бутун юртимизда тинчлик-омонлик бардавом бўлсин!

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири
Ёлқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Оила – муқаддас даргоҳ. Уни авайлаб-асраш ва онлавий ажримларнинг олдини олишимиз ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади. Ҳозирда шаҳримиз туманларида ана шу мавзуга бағишланган семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда.

Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан ташкил этилган тадбир ҳам айнан шу мавзуга бағишланди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қизлар ўртасидаги эрта никоҳ, оилавий ажримларнинг олдини олиш, турмушга чиқиш бўсағасида турган қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда иштирок этган ушбу маҳалладаги пиру бадавлат отахон-онахонлар ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Ёшларга оилани муқаддас билиш лозимлиги, арзимаган сабаблар билан ажрашиб кетиш нотўғрилиги, ажримларнинг олдини олиш тўғрисида тушунтиришди.

Семинар давомида сўзга чиққанлар оилаларнинг бузилиб кетишининг асосий сабаблари, қиз-

ларнинг эрта турмушга чиқиши салбий оқибатларга олиб келатганлиги, ёшларни оила аталмиш баланд қўрғонни тик сақлай олиши муҳимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Юртимизда шунга ўхшаш дилхираликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилаяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки фарзандларимиз жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб воғва етса, юртимиз тинч ва оилаларимиз обод бўлади.

Тадбир давомида Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Азиза Зукорованинг оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича тақдироти ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Зафар НАЗАРОВ

Бектемир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласида рўй бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда аҳолига ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.

МАҲАЛЛАДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан уюштирилган ушбу тадбирда иштирокчилар фавқулодда вазиятлар содир бўлганда, хусусан, сел, zilzilalar пайтида ёрдамга муҳтож аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни хавфсиз ҳудудга кўчириш ва кутқариш бўйича ўқув машғулотларида иштирок этиши ҳамда бу борадаги билимларини ҳақамлар ҳайъатига ҳавола қилишди.

(Ўз мухбиримиз)



Фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқишнинг тартибга солуви қонун билан танишиб чиққанман. Лекин бир жиҳатта тушунадим. Яъни, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи билан ахборот олиш ҳуқуқи бир-биридан фарқ қиладими ёки иккаласи битта тушунчани?

О. Ҳаққулов,
Бектемир тумани

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи билан ахборот олиш ҳуқуқи бир-биридан фарқ қилади. Республика Конституциясининг 35-моддасига кўра: «Ҳар бир шахс ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга».

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Жумладан, ушбу Қонуннинг 3-моддасида фуқароларнинг давлат органларига аризалар, тақлиф ва шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидланган.

Сиртдан қараганда, фуқароларнинг ахборот сўраб қилган мурожаати – ўз ҳуқуқларини рўйбга чиқаришдаги илтимоси баён этилган аризаси, яъни мурожаатга ҳам ўхшаб кетади. Бироқ ҳар доим ҳам сўраётган ахборот уни сўраётган фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, аркиликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқаришда ёрдам кўрсатишга дахлдор маълумот бўлмаслиги ҳам мумкин.

Конституциянинг 29-моддасида: «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга» эканлиги белгилаб қўйилган. Бу конституциявий ҳуқуқнинг амалга ошиши учун ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини белгилловчи «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинган. Бу Қонунлар фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тақдир этиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзга келадиган муносабатларни, шунингдек, ахборотнинг муҳофиза қилинишини, шахс, жамяят ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги таъминлини тартибга солиши белгилайди.

Нилуфар ЗУФАРОВА,
Гулбаҳор ҲАКИМОВА,
Олмазор туманидаги ДНИ нотариуслари

Йилнинг баҳор, айниқса ёз мавсумларида йўлларда велосипед ҳайдовчиларининг сони кўпаяди. Қолаверса, сўнги йилларда ёшлар орасида велосипедларни ижарага олиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланиш ҳоллари кузатишмоқда. Айтинчи, қонунчилигимизда велосипед ҳайдовчилари учун ҳам йўл ҳаракати қондалари мавжудми?

Д. Қосимов,
Мирзо Улугбек тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 472-сонли қарорига кўра, «Йўл ҳаракати қондалари» тасдиқланган бўлиб, унинг 27-бандида велосипедларни бошқаришга оид талаблар белгилаб қўйилган. Ушбу талабларга кўра, велосипедни йўлда фақат 14 ёшга тўлган шахсларнинг бошқаришига рухсат этилади.

Велосипедларни миниб бориш ёки ҳайдаб кетиш пайтида йўлнинг четки ўнг бўлағида имкони борича ўнг томонидан бир қатор бўлиб ҳаракатланганга йўл қўйилади. Агар пидедаларга ҳалақит бермаса, йўл ёқасида ҳам ҳаракатланишга рухсат этилади. Велосипед ҳайдовчиси эътибор бериши керак бўлган муҳим жиҳат шундаки, у йўл ёқасини тротуар, яъни пидедалар йўлидан фарқлаши зарур. Йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиш таъминлайдиган ҳамда уларни қувиб ўтишни осонлаштирадиган гуруҳларга бўлиниши керак.

Велосипедга қўйиладиган асосий талаблар шундаки, унинг товуш бергич мосламаси жиҳозланган ва тормози соз бўлиши зарур. Қоронғуда ва етарли кўринмаслик шартинда велосипеднинг олд томонида оқ рангли, орқа томонида қизил рангли чироқча ёки қизил рангли нур қайтаргич, ён томонларига эса заргалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши кераклиги белгиланган.

Тошмоҳаммад АҲМЕДОВ,
Азиза БОҚИМОНОВА,
Сергели туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуслари

Никоҳга қираётганда бўлажак келин-куёвларнинг умумий фамилия олишлари ёки ўз фамилиясида қолиш ҳақида истақлари ҳужжатларда ҳам белгиланиши керакми?

Ш. Убайдуллаев,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 214-моддасига асосан никоҳланувчи шахслар никоҳга кириш тўғрисидаги аризаларида умумий фамилия олиш ёки никоҳ тузилганидан кейин ҳам ўз фамилиясида қолиш ҳақидаги истақларини кўрсатишлари талаб этилади.

Никоҳга кириш тўғрисида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёши бўлимига никоҳланувчи шахслар ариза берганларида бу ҳақдаги истақлари ёзма равишда кўрсатилиши белгиланган.

Ҳурमतой НАВРЎЗОВА,
Миробод туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси

Фуқароларнинг мурожаати турлари, ариза ва шикоятнинг мазмуни ҳақида тушунча бериб ўтсангиз.

У. Норқулов,
Олмазор тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатлари оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 8-моддаси, 3-қисмига кўра фуқаро оғзаки мурожаат этётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқароларнинг мурожаатлари яқка тартибда ёки яқмова томонидан берилиши мумкин. Фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоят каби мурожаат турлари бор.

Ариза, бу – фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, аркиликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоснома баён этилган мурожаатидир.

Тақлиф, бу – фуқароларнинг давлат ва жамяят фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят, бу – фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, аркиликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати эканлиги белгиланган.

Камола САИПОВА,
Гулрўх АЗИМОВА,
Олмазор туманидаги ДНИ нотариуслари

Кечкурун тинчиқиб ухлаганим боис эрталаб яхши кайфиятда уйғондим. Урнимдан туриб, юз-кўлимни ювган, кўрган тушимни эслай бошладим. Тушимга Маҳбуба онажоним кирибдилар. Борборда одамлар билан чақчақлашиб юрган эмишлар. Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин эса... бирдан хотирам тиниклашди. Ахир Маҳбуба онажоним менга бугдой олишни, сумалак тайёрлаб, яқинларим, қариндошларимни хурсанд қилишимни эслатаёптиларку! Шуларни ўйлаб ҳовлига югургилаб чиқдим. Кўёш уфқдан бош кўтариб улгурмаган.

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида ҳаво очик, кун ҳам бирам ёқимлики, танангизни яйратади. Урик ва гилос дарахтларига қарадим. Куртаклари бодраб, бўртиб турибди, ҳовлимизга кўёш яхши тушгани учун майсалар ҳам бўй чўзиб қолибди. Наҳотки,

Туйғулар
СОҒИНГАН КЎНГИЛЛАР МАЛҲАМИ

қолиб... Йўқ, йўқ, нима бўлганда ҳам Маҳбуба онажонимга берган ваъданинг устидан чиқишим керак. Тез-тез нонушта қилдим-да, бозорга отландим. Йўл-йўлақай хотиралар ўз сепини ёя бошлади... Мустақиллик давригача сумалак фақатгина санокчи хонадонлардагина қилинарди. Маҳбуба онам баҳорнинг ана шу тансиқ таомини тайёрлагувчи кайвони онахонлардан бири эдилар. Сумалак учун бугдой олишга ўзлари борардилар, бозорни эрин-

дулинг ўзинг билан қайтади», дердилар. Ўзлари эса бугдойнинг синиқлари йўқ, тўлиқ донларидан танлардилар. Бугдойни ундиришларига ҳавасим келарди, худди ёш гўдакни авайлагандек бугдойга меҳр билан қарардилар. «Унга пок бўлиб қараш керак. Бу Фотима аямизнинг табаррук таомлари, унга ҳар хил одамларнинг покланмай қараш мумкин эмас», дердилар. Агарда юришлари чиқиб қолса, унга сув сепиб туришни менга тайинлаб кетар-

дилар. Ўқишни битирадиган йилим сумалак билан курсдош дугоналаримни ҳам меҳмон қилганлар, ҳали хануз учрашиб қолсак, курсдошларим

ўтиб кетдим. Бугдойни олиб келгач эса кўнглим хотиржам тортиди. Ҳар йили сумалак тайёрлаганим учун, оиламизда ҳамма бунга ўрганиб қолган, айниқса набираларимнинг хурсандчилигининг чеки йўқ, чунки бу кун уйимиз ҳақиқий байрамга айланган кетади, узок кўришмаган қариндош-уруғлар билан дилдан суҳбатлашамиз. Бежиз Наврўзани Қадр, Меҳр-оқибат, Кўнгилик байрами дейилмайди-да! Бу кун кўнгли яримлар йўқотгандек бўлиб турар экансиз. Хаёлга берилиб, бозорга етиб келганимни ҳам сезмай қолибман. Бозорнинг кираверишида кўклар — ялпиз, исмалоқ сотилаяпти. Етказганига шукр. Шошганча бугдой сотиладиган жойга

Гулчехра КАРИМОВА

Экология

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ

Тадбир Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, Табиатни муҳофиза қилиш давлат кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, жамяятимизда амалга оширилаётган ислохотларда йигит-қизларнинг фаоллигини ошириш ва уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этиши таъкидланди.

Бу жараёнда тегишли давлат дастурларида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши го» танлови ана шундай ўзига хос лойиҳалардан биридир.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидида олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган «Глобал иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича энг яхши го» республика танлови қолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу танловдан кўзланган мақсад экологик муаммоларни бартараф этишда ёшларнинг фаоллигини ошириш, экологик таълимни такомиллаштириш, барқарор тараққиётга эришиш, глобал иқлим ўзгаришининг инсоният келажагига салбий таъсирининг олдини олишдир. Танловга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олий ўқув юртлари талабаларидан бир юз йигирмадан ортик илмий лойиҳа, маъруза ва мақолалар қабул қилинди.

Ёш тақдиротчиларнинг илмий-ижодий ишларида қишлоқ ҳўжалиги, саноат, нефть-газ тармоғи, чиқиндиларни бошқариш соҳаларига экологик соф технологияларни татбиқ этиш, сувни тежаш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш борасидаги долзарб масалалар қамраб олингани аҳамиятлидир.

– Танловга чучук сувни тежаш бўйича илмий изланишларимни тақдим этдим, – дейди Тошкент кимё-технология институти талабаси Афзал Қосимов. – Кейинги йилларда сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар чучук сувга бўлган тежамкор муносабат долзарблигини янада оширмоқда. Шу боис унинг исроф бўлишининг олдини олиш, оқова сувларни қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Келгусида бу борадаги изланишларимни давом эттириб, соҳа ривожига муносиб улшў қўшиш ниятидаман.

Тадбирда қолиб ва совирдорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

Оила ҳаёт абадийлиги ҳамда авлодлар давомийлигини таъминлайдиган муқаддас даргоҳ. Айтиш жоизки, халқимиз азал-азалдан оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлишига доимо катта эътибор қаратиб келган. Шу маънода биз, ўзбекларда тўқис бахт тушунчаси ҳам оила бутунлиги билан белгиланишида теран маъно бор.

Таъкидлаш кераки, мамлакатимизда оила масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътибор қаратилган. Оила мақомига Конституциямизда алоҳида боб ажратилиб, унда оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Жумладан, Асосий қонунимизда Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, деб белгилаб қўйилган.

Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган эътибор-ҳурмати, муомаласи оиладаги муҳитни ифодалайди. Ота-оналар фарзандлари соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Фарзанд оила бутунлигини таъминловчи, эр-хотин ўртасидаги ришталарни боғловчи кўприкдир. Соғлом оилавий муҳит соғлом авлоднинг камол топишида муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз доимо соғлом авлодни дунёга келтиришга муҳим эътибор қаратади. Хусусан, аждодларимиз қиз узатиш, келин танлашда бўлғуси қудаларнинг насл-насабини сўраб-суриштиргани ҳам шундан. Қувонарлиси, бугунги кунда ушбу анъана тиббий кўрик натижалари билан уйғунлашиб, оиланинг мустаҳкамлигини таъминламоқда.

Фаолиятимиз давомида маҳалларда, мактаб, коллеж, олий ўқув юртиларида тарғибот ишларини олиб бораёلمиз. Ҳар бир никоҳни қайд этишда тиббий кўрик натижаларига алоҳида эътибор берамиз. Бизни қувонтиргани, тиб-

бий кўриқнинг аҳамиятини ёшларнинг ўзи тушуниб етиб, оила қурмоқда. Бу жараёнда эса ҳамкорликда олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Маълумки, боланинг ҳис-туйғуси, ҳулики, одатлари дастлаб оилада шаклланади. Психолог-мутахассисларнинг таъкидлашича, бола 5 ёшгача бўлган давр орталиғида умри давомида оладиган барча инфо-мациянинг 70 фоизига эга бўлар экан. Шу маънода боланинг қизиқишини, қобилиятини вақтида англаб туғри йўналтириш кўп ҳолларда оиладаги муҳитга боғлиқдир. Ота-она ҳамда фарзандлар ўртасидаги муносабат нафакат оила қонунчилиги билан, балки жамиятда муҳим қадрият сифатида шаклланган ахлоқ нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Маълумки, бизда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат қондалари-га асосланган бўлиб, бу — халқимизнинг ўзига хослигини кўрсатувчи муҳим хусусиятлардан бири саналади. Ота-онанинг фарзанд тақдирини учун масъулият, фарзандларнинг ота-онаси олдидаги бурчи азалий қадриятларимиз орқали асрлар оша яшаб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, оиладаги тотувлик, ҳамжиҳатлик жамият фаровонлигини ошириб, мамлакат қудратини янада юксалтиради. Оиламиз — Муқаддас кўргонимиз ҳамisha бут бўлсин.

Саида ИСМАЙЛОВА,
Тошкент шаҳар 1-сон никоҳ уйи мудири



Елқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

Шаҳримиздаги 44-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан «Соғлом қизлар — соғлом келажак пойдевори» шиори остида спорт фестивали бўлиб ўтди.

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, Миробод тумани ҳокимлиги ва туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда тумандаги умумтаълим мактаблари ва маҳаллалардан 1500 нафарга яқин қиз иштирок этди.

Фестивалнинг очилишида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор аҳоли, айниқса, хотин-қизларни соғлом турмуш тарзига жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Юртимизда қад ростлаган замонавий спорт мажмуаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи хотин-қизлар сафи тизимдор равишда ўзлаштирилди. Улар орасида бадий гимнастика, гимнастрада, синхрон сузиш сингарии спортнинг қизларга хос тур-

лари тобора оммалашмоқда.

Давлатимиз раҳбари қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб қилиш, бунинг учун маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг фаолиятини ошириш, оилалар билан доимий иш-лашни янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратади.

Қизлар ўртасида мунтазам ташкил этилаётган мусобақа ва спорт фестиваллари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

«Соғлом қизлар — соғлом келажак пойдевори» шиори остида ўтказилган фестивалда қизлар волейбол, баскетбол, бадий ва спорт гимнастикаси, стол теннис, бадминтон, футбол, шахмат, шашка бўйича баҳслашди.

Беш ёшимдан спорт гимнастикаси билан шуғулланаман, — дейди фестиваль иштирокчиси Омина Саидумарова. — Спорт менинг соғлом бўлиб вояга етишимга, орзуларим ушалишига ёрдам бермоқда. Мамлакат чемпионатларида ва халқаро мусобақаларда

иштирок этганман. Ниятим — жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

— Футбол бўйича ўтказилган мусобақада жамоамиз билан катнашдик, — дейди тумандаги 213-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зиёда Қосимжонова. — Мазкур фестиваль жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз учун яратилган кенг имкониятларнинг амалдаги ифодасидир. Мактабимизда ҳам ўқувчи қизларни спортга жалб этишга доимий эътибор қаратилади.

Фестиваль доирасида спортчи қизлар иштирокчида маҳорат машғулоти ҳам ташкил этилди. Халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган спортчи қизлар ҳамда фестиваль ғолиб ва совриндорлари ташкилотларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

УНИВЕРСИТЕТДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида «Амир Темурнинг дунё тарихида тугган ўрни» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Маърифий кечада Озарбойжон республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, Озарбойжон парламенти депутатлари, ёзувчи ва адабиётшунослари, Ўзбекистон — Озарбойжон «Дўстлик» жамияти аъзолари ҳамда университетнинг ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Маълумки мазкур педагогика университети-га улғ Озарбойжон шоири Низомий Ганжавий номи берилган бўлиб, университет олдида адибнинг ҳайкали қад ростлаган. Даставвал меҳмонлар ушбу ҳайкал пойига гуллар қўйдилар ва буюк шоир хотирасини ёдга олдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар буюк саркарда Амир Темурнинг дунё тарихида тугган ўрни борасида фикр юритиб, унинг Ўрта Осиё ва бутун Европани мўғуллар зулмидан озод қилган шахс сифатида бутун дунё ахли томонидан ҳурмат билан тилга олинганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш жараёни билан бир неча асрлардан буён дунё тарихчи олимлари шуғулланиб келмоқда. Улар томонидан амалга оширилган ишлар Амир Темурнинг қанчалик буюк зот бўлганини исботламоқда. Жумладан, озарбойжонлик ёзувчи Юнус Ўғуз ҳам Амир Темурнинг ҳаёти ва сиёсий фаолиятини пухта ўрганган қалам соҳибларидан бири. Адиб кўп йиллик изланишлар натижасида ўзининг «Амир Темур» деб номланган тарихий асарини яратди. Асарни ўқиган киши Соҳибқирон бобомизнинг амалга оширган ишларидан дунё халқларининг миннатдор эканлигига амин бўлади. Тадбир давомида ана шу асарнинг Ўзбекистон тарихи, жумладан, Амир Темур тарихини ўрганишдаги роли тўғрисида ҳам сўзга чиққанлар алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир давомида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фильм намойиш этилди.

**Абдурасул
АБДИКАРИМОВ,**
Низомий номидаги ТДПУ
тарих факультети
талабаси

Кўрғазмалар

БАҲОР ЖОЗИБАСИ

**Тошкент Фотосуратлар уйида
Халқаро хотин-қизлар кунига
бағишланган кўрғазма очилди.**

Тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли иш-хотлар жараёнида тасвирий санъатнинг барча йўналишларини янада ривожлантириш, юртимизда бу борада шаклланган ижод мактабларининг анъаналарини ўрганиш ва бойитиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Кўрғазмада таниқли фото усталар билан бирга Аъло Абдуллаев, Надежда Рихсиева, Гаянэ Аванесян, Лилия Ахсанова, Нодир Абидов, Елена Володина каби иқтидорли ёшлар томонидан тасвирга олинган фотосуратлар намойиш этилмоқда. Мазкур асарларда мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир эзгу ишлар, фидойи ва меҳнатсевар опа-сингилларимиз сиймоси, шижоатли ёшларимизнинг интилишлари акс эттирилган.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Apartments Services» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 302440622) жамият устав фондининг тўққиз миллион (9.000.000) сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.
Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида (8371) 215-68-98 телефони орқали қабул қилинади



Тошкент шаҳрида 11 март кунини ҳаво ўзгариш зарарли моддаларнинг бир оз турари, ёнғинчилик бўлмай-тарқалиб кетишига имкониятди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. 1 даража илқ, кунду-шароити шашар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Атмосферанинг ифтидорлиги шашар ҳаво муҳитида пасайиши таъмин қилинмоқда, таъқиқори наст бўлади.

Фавқуллода вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

МАШҒУЛОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Табиий офатларнинг катта-кичиги бўлмайди, у ҳеч қачон вақт, мавсум танламайди. Исталган пайтда рўй бериши мумкинлиги кўп бор қузатилган. Қутилмаган офатларга доимо шай туриш, рўй берган тақдирда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қила билиш энг қулай ва самарали усуллардан биридир.

Шу боис, Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази мутахассислари томонидан режа асосида пойтахт туманлари ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини фуқаро муҳофазаси, фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бар-тароф этиш ва тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёрлиқдан ўтказиш машғулотлари олиб борилмоқда.

Асосий мақсад, фуқаролар муҳофазасини таъминлаш баробарида ўзлари фаолият олиб бораётган таълим даргоҳларида ўқувчиларга сабоқ беришдек эзгу ишга масъул бўлган шахслар — таълим муассасалари ўқитувчиларининг билими ёхуд шу соҳага оид кўникмаларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Пойтахтимизнинг Бектемир, Учтепа, Мирзо Улугбек, Сергели туманлари ҳудудида жойлашган таълим муассасалари ўқитувчилари иштирокида фуқаро муҳофазасига оид меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фавқуллода вазиятларнинг таснифи, оқибатларини бар-тароф этиш, бундай пайтда ҳаракат қилиш, давлат тизимининг мақсад ва вазифалари ҳамда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишда бошқарув мавзу-ларига оид назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Режа асосидаги машғулотларни бошқа туманлар ҳудудида жойлашган умумтаълим мактабларида ўтказиш давом этмоқда.

Бошқарма Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази бошлиғи катта лейтенант Элёр Аҳмадалиев, бўлинма бошлиғи катта лейтенант Шерзод Аҳмедов ва хизматчилар — Умнат Сувонов, Гулноза Орифжоновалар томонидан олиб борилаётган ўқув машғулотлари назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синодан ўтказилиб, машғулотлар баҳо-мунозарали тарзда ўтказилмоқда.

Фавқуллода вазиятлар ўчоқларида қутқарувчиларнинг ҳаракат қилиши, жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш мақсадида, бошқарма Қутқарув отрядининг махсус қутқарув асбоб-ускуналари ва техникалари кўрғазмаси ташкил этилмоқда. Унда қутқарувчиларнинг мазкур техника воситалари билан ишлаш қондалари аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган ҳар бир ўқув машғулотларида тингловчиларга намойиш қилинмоқда.

Олиб борилаётган ўқув машғулотлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Азамат СУЮНОВ

Пойтахтимиздаги «Жар» стадионида футбол бўйича Ўзбекистон суперкубоги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Бунёдкор» ва «Локомотив» жамоалари ўзаро куч синнашди.

Футбол

«БУНЁДКОР» — СУПЕРКУБОК СОҲИБИ

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони ва кубоги соҳибига — «Бунёдкор» клуби ҳужумчиси Олександр Пишур учрашувнинг 26-дақиқасида ҳисобни очди. Учрашувнинг 68-дақиқасида Воҳид Шодиев рақиб дарвозасига яна битта тўп киритди. Ҳужумчи асосий вақти якунлаштиришга ўн бир дақиқа қолганда Вячеслав Шевченконинг голи эвазига «Локомотив» жамоаси вакиллари ҳисобни қисқартирди.

Шу тариқа, кескин ва муросасиз ўтган ўйинда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган «Бунёдкор» жамоаси Ўзбекистон суперкубогини қўлга киритди.

Шахмат

ЧЕМПИОНЛИК УЧУН КУРАШ ҚИЗҒИН

Пойтахтимизда шахмат бўйича ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати давом этмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада етмиш нафардан зиёд ёш шахматчи голиблик учун донна сурмоқда.

Мусобақанинг ўғил болалар ўртасидаги баҳсларида пешқадамлик қилаётган пойтахтлик Ортиқ Нигматов еттинчи турда наманганлик Оқилбек Ҳамидовни мот қилиб, 6,5 очко жамгарган бўлса, совринли ўринларга давъогарлик қилаётган пойтахтлик яна бир шахматчи Темур Игонин Тошкент вилояти вакили Самандар Шермухаммедовни мағлубиятга учратди ва 5,5 очко тўлади. Еттинчи турда фарғоналик Асилбек Собиров билан дуранг уйнаган тошкентлик Саидқабар Сайдалиев ва пой-

тахтлик Жавоҳир Синдаровни мот қилган қашқадарёлик Абдумалик Абдусалимов ҳисобида ҳам 5,5 очко бор.

Қизлар ўртасида мағлубиятсиз донна сурётган ягона шахматчи — Тошкент шаҳри вакили Светлана Чайкина еттинчи турда хоразмлик Малоҳат Ҳайитбоевани енгиб, 6,5 очко жамгарган ҳолда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Мусобақа жадвалида иккинчи ўринда бораётган қорақалпоғистонлик Моҳим Оразмухаммедова навоийлик Озода Рўзиқулвани енгиб, 6 очко тўплаган бўлса, самарқандлик Зебо Усмонова пойтахтлик Асал Салимовани мот қилиб, 5 очко билан кучли учиқда бормоқда.

Б.АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 356

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табд, офсет усулида босилди.
14170 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.20